



Сен ҳамиша муқаддассан,
муқаддас аёл!

TOSHLOQ
TUMANINING
IJTIMOIY-
SIYOSIY,
MA'NAVIY-
MA'RIFIY
GAZETASI

Gazeta 1935 yil
martidan chiqqan
boshlagan

2025 yil - "Atrof-muhitni asrash va "yashil" iqtisodiyot yili"

Toshloq tongi

2025 YIL 7 MART JUMA № 7 (72767)



БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР

А. Джурбаев, туман ҳокими

Муҳтарам аёллар, азиз опа-сингиллар!

Муниса, матонатли оналаримизни, уйимизнинг фаришталари бўлган опа-сингилларимизни гўзал баҳор фаслига қиёс этсак арзийди. Бир-биридан гўзал, лобар аёл-қизларимиз—бугунги баҳорий байрам кайфияти, юзингиздаги табассум ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин.

Туманимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида Сиз аёлларнинг ҳиссангиз катта. Биз Сизларнинг меҳнатсеварлигингизга, матонатингизга, беғубор қалбингизга тасаннолар айтамыз.

Гўзал табииатимизга барчамиз орзиқиб кутган фасли баҳор кириб келган ушбу нурафшон кунларда, Сизларни, бутун туманимиз хотин-қизларини 8 - март Халқаро хотин-қизлар куни байрами билан самимий муборакбод этиш менга катта қувонч бағишлайди.

Асрлар давомида халқимиз томонидан оналарни, аёлларни эъзозлаш эзгу қадриятлардан бири сифатида алоҳида қадрланади. Чунки, меҳроқибат ва одамлиқнинг илк сабоқлари ҳар биримизнинг юрагимизга она алласи билан кириб келади. Сизларни ҳамиша фидойилик, вафодорлик, садоқат, гўзаллик тимсоли сифатида улуғлаш билан бирга ўзларингизга хос бўлган бой маънавий дунёингиз, ақлу-фаросатингиз, донолигингиз билан ижтимоий-сиёсий турмушимизда салмоқли ўрин эгаллаб келаётганингизни алоҳида таъкидламоқчиман.

Бугунги кунда хотин-қизлар ўзининг билим ва тажрибаси, профессионал малакаси ва маҳорати билан кўпгина жабҳаларда етакчи мавқеларни эгаллаб келмоқдалар. Ҳаётимизда тобора катта ўрин олаётган кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик, юқори технологияларга асосланган замонавий тармоқлар, илму

фан, тиббиёт, таълим-тарбия, маданият ва санъат каби ўнлаб муҳим соҳа ва тармоқлар ривожини аёлларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Фақат соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади. Фақат ақл-заковатли, маърифатли оналаргина комил инсонларни тарбиялашга қодир бўлади. Ана шу ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда мамлакатимизда хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук ёш авлодни вояга етказишга қаратилган умуммиллий дастурларимиз бугунги кунда ўзининг самарасини бермоқда.

Янги Ўзбекистонимизда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни янада мустаҳкамлаб, обрўсини ошириш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингизни ҳимоя қилиш, ҳар томонлама қулай шароитлар яратиб бериш, маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш ҳар биримизнинг асосий вазифамизга айланди. Турмушимизни янада соғлом ва обод қилишда, олдимизга қўйган мақсад ва ниятларимизни рўёбини таъминлашда, юртимизнинг буюк келажаги йўлидаги хайрли ишларда, барча ташаббусларда Сизнинг куч-ғайратингизга, билим ва тажрибангизга, фидойилигингизга таянамыз.

Сиз азиз опа-сингилларимизни 8 март—Халқаро хотин-қизлар байрами кунини билан яна бир бор ўз номидан, қолаверса, барча тошлоқликлар номидан қутлаб, Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, ҳамжиҳатлик, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Фарзандларингиз ва яқинларингиз бахтига, элу юртимиз бахтига ҳамиша омон бўлинг!



Аёл — муҳаббат, гўзаллик, латофат ва меҳр рамзи

СИЗ ИЛА ОЛАМ МУНАВВАР, ҲАЁТИМИЗ ФАРОВОН

Мамлакатимизда азиз ва мўътабар аёл зотини улуғлаш, опа-сингилларимизнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва нуфузини ошириш, ўзининг кўп йиллик самарали меҳнати, бой амалий тажрибаси билан оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдек масъулиятли ишда кўрсатаётган жасоратларини доимий равишда рағбатлантириб бориш ҳардоим энг долзарб масалалардан бири бўлиб келган.

Туманимизда ҳам давлат ва жамият ишларида аёлларнинг иштироки йил сайин ортиб бораётир. Давлат бошқарувида

аёлларнинг ҳиссаси аввалги йилларга нисбатан ошганлиги ҳам ҳеч биримизга сир эмас. Бугунги кунда туманимизда раҳбар аёллар улуши 28 фоизга, олий таълимда ўқиётган қизларимиз сони 34 фоизга кўтарилгани ҳамда 4 нафар аёлларимиз заҳира кадрлар номзодлигига олинганини мамнуният билан таъкидлаш жоиз.

Хусусан хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида эндиликда суд жараёнларида оила ва хотин-қизлар бўлими вакиллариининг иштироки таъминланиши биз учун ҳам фахр, ҳам ғурурдир.

Жорий ўқув йилида туманимизда истиқомат қилиб келаётган ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган 7 нафар



қизлар ва боқувчиси йўқ ёлғиз аёлларнинг тўлов контрактлари тўлаб берилди. 319 нафар эҳтиёжманд хотин-қизлар бепул даволаниб, саломатликларини тиклаган бўлса, 7 нафарига жарроҳлик амалиёти ва даволанишлари учун 230 млн. 164 минг 651 сўм маблағ жамғарма ҳисобидан қоплаб берилди.

Давоми 2-саҳифада.

СИЗ ИЛА ОЛАМ МУНАВВАР, ҲАЁТИМИЗ ФАРОВОН

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада).

Ўтган йили туманимиздан "Аёллар дафтари"га киритилган 5 652 нафар хотин-қизларнинг 4 692 нафари ишсизлик билан мурожаат қилганликлари боис уларнинг бандлиги таъминланди. Жумладан тижорат банклари томонидан оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш мақсадида бўлган 84 нафар хотин-қизларга 947 млн. сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. 730 нафари турли хилдаги касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди. Қолаверса 18 та маҳалла фуқаролар йиғинларида "Аёллар бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш" марказлари ишга туширилиб, дафтар рўйхатидаги 74 нафар аёлларнинг бандлиги таъминланди, 78 нафари қайта ўқитилди.

Фаолиятимиз давомида бизни қувонтирган ҳолатлар билан бирга оилаларда ажрим масалаларига ҳам дуч келамиз. Ана шундай ажрим истагини билдирган 143 оиланинг иккала аъзоси билан ҳам суҳбатлар ўтказиб ажримнинг оқибатлари, етим бўлиб қолаётган болаларнинг келажаги каби масалалар батафсил тушунтирилиб борилаётир. Бунинг натижаси ўлароқ 143 тадан 109 та оиланинг қайта ярашиш фикрига келишларига эришдик. Қонуний никоҳдан ўтмасдан шаърий никоҳ асосида яшаётган 162 оиланинг 85 тасини қонуний никоҳлари қайд эттирилгани ҳам олиб бораётган ишларимизнинг натижаси, албатта.

Шунингдек оиласида таъйиқ ва зўравонликка учраган 209 нафар аёлларнинг муаммолари ўрганилиб, уларга "ҳимоя ордер"лари берилди ва зўравонлик ҳолатларининг олди олинди.

Бугун туманимизда ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак, ёш авлодга ибрат сифатида кўрсатишимизга арзигулик кўплаб аёлларимиз борлигини баралла айта оламиз. Уларнинг ҳаёт йўллари доимо биз учун андоза, ибрат десак адашмаймиз. Малакали педагог, фидойи ва жонкуяр инсон сифатида нафақат маҳалла аҳли, балки бутун туманимизда ўзининг ўрнига, ҳурматиға эга инсонлардан бири Озодахон

опа Холматовадир. Кўп йиллар туманимизда ёш авлоднинг таълим-тарбиясига ўз ҳиссасини қўшиш баробарида бошқарув соҳасида ҳам ишлаб, тажрибасини шогирдларига ўргатиб келган муаллима аёлимиз бугун нафақада бўлсада ҳамон эл-юрт хизматида. Ўтган йили опанинг самарали фаолиятига юксак баҳо берилиб "Мўътабар аёл" кўкрак нишони билан тақдирланди. Бу эса опага янада шижоат ва ғайрат бағишлаб юрт тараққиёти, ватан равнақи йўлида фаол бўлишга ундаб келаётир.

Меҳнатобод маҳалла фуқаролар йиғинида ижтимоий ходим сифатида фаолият кўрсатиб келаётган Гулнозахон Алиқулова "Ибратли оила" кўкрак нишонига сазовор бўлиб, тошлоқлик аёлларнинг нақадар оилапарвар эканлиги, жамиятда ҳам, оилада ҳам ўз вазифаларига бирдек сидқидилдан ёндошиб иш кўришларини исботлаб берди.

Бу каби ютуқларимизни таъкидлар эканмиз буларнингтубзамирида Янги Ўзбекистонимизда хотин-қизларга яратилаётган кенг имкониятлар, шароит ва енгилликлар мужассам эканлигига яна бир бор амин бўламиз. Аёлини эъзозлаган, кўкларга кўтарган юртнинг равнақи ҳам, доврўғи ҳам ошиб боришини изчил амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар натижаларида кўришимиз мумкин. Зеро, азиз аёлларимиз ҳамиша кўз ўнгимизда меҳрибон она, фидойи етакчи, садоқатли ёр тимсолида гавдаланади.

Азиз ва мунис онахонлар ва дилбар она-сингиллар. Барчангизга нафис баҳор, муҳаббат, гўзаллик, латофат ва меҳр рамзи бўлган 8-март — Халқаро хотин-қизлар байрами муборак бўлсин.

Сизларга узок умр, мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт ва фарзандларингизнинг камолини тилаб қоламиз. Ризқу насибангиз ҳамиша зиёда бўлсин. Баҳор кайфияти сиз азизларга доимо Ҳамроҳ бўлиб, аёллик бахти, бекалик тахти, оналик мартабаси ҳамиша ёр бўлсин.

Байрамингиз муборак бўлсин!

**Умидахон
МАРАСУЛОВА,
туман ҳокими ўринбосари,
оила ва хотин-қизлар бўлими
бошлиғи.**

Жорий йилнинг 19 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва муносиб нишонлаш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Ушбу фармон ва қарор мамлакатимиздаги уруш қатнашчилари ҳамда нуронийлар, шунингдек



"ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ҒАМХЎРЛИГИДАН МИННАТДОРМАН",

дейди Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, 103 ёшли Одилжон ота Зокиров

кенг жамоатчилик томонидан катта мамнуният билан қарши олинди.

Дарҳақиқат, уруш қатнашчилари айна куч-қувватга тўлган ёшлик йилларини Ватан ҳимоясига сарф этишган. Бундай муқофотлар уларнинг ғалабаси ва фидойилигига муносиб рағбатдир, албатта.

Айни кунларда уруш суронларини кўрган қаҳрамон боболаримиз давлатимиз, хусусан Президентимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан мамнун бўлиб яшамокдалар. Улар Ватанга муҳаббат, жасорат каби олий фазилатларни ёшларга ўргатиш орқали мамлакатимиз тараққиётига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.

Тошлоқ туманидаги Шодлик МФЙда умр кечириётган 103 ёшли Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Одилжон ота Зокиров ҳам ана шундай мард ҳамюртларимиздан бири. У мухтарам Юртбошимизнинг юқоридаги фармон ва қарорларини эшитиб, ўзи сингари уруш фахрийларига кўрсатилаётган ғамхўрликлар учун шукроналар айтмоқда.

— Бу муқофот барча уруш қатнашчиларига кўрсатилаётган эътибор ва эҳтиромнинг наватдаги ифодасидир, — дейди Одилжон ота Зокиров. — Биз бевосита урушни кўрган ва жангларда қатнашган авлод сифатида тинчлик бебаҳо неъмат эканлигини яхши англаймиз. Ватан ҳимояси учун курашиш ҳар бир инсон учун фарздор.

Тинч, осуда ҳаёт кечиришнинг ўзи энг катта неъмат. Шундай экан, бугунги ёшлар тинчликни қадрлашлари, мустақилликни янада мустаҳкамлаш йўлида фидойилик кўрсатишлари лозим. Биз, кекса авлод вакилларига доимий равишда ғамхўрликлар кўрсатаётган Президентимиздан миннатдоримиз.

Отахоннинг уруш ҳақидаги хикояларини тинглар экансиз, инсон ҳаётидаги энг бахтиёр онлар тинчликда, хотиржамликда ўтган дамлар эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Одилжон ота урушга қай тарзда жўнаб кетганини шундай хотирлайди:

— 1942 йилнинг сентябри... Бутун жамоа ҳўжалигида бўлгани каби, мен ҳисобчи бўлиб ишлаётган бригаданинг пахтазорларида ҳам ҳосил мўл бўлди. Теримга тайёргарлик авж олган паллада менга урушга қакирув қоғози келди. Тақдирга тан бериб, ота-онамнинг дуосини олиб фронтга жўнаб

кетганман. Мен гоҳида дутор чалиб турардим. Ўша куни раҳматли отам дуторимни уйимизнинг эшигига илиб қўйганди.

У йиғламосираб: "Эшикдан кирганимда дуторингни кўриб, сени эслаб юраман", деб айтган эди. Унинг бу умидли гапи мени урушдан соғ-омон қайтишга руҳлантирган эди.

Икки кўшним билан поездда кетар эканман ҳаёлимда "Урушдан ғалаба билан, соғ-саломат қайтиб яна шу дуторимни оилам даврасида чалармиканман?" деган ўйлар чарх урарди. Шу ўйлар билан урушнинг қайноқ нуқтасига етиб келдик.

Ҳеч эсимдан чиқмайди, ҳаво жуда совуқ, ҳамма ёқ қалин қор билан қопланган эди. Шу куни фашистлар бизни қуршовга олиб аёвсиз ўққа тутиди. Ҳамма қарахт ҳолатга тушиб қолган эди. Энг ачинарлиси, ҳали қўлимизга қурол ҳам олмагандик. Жон сақлаш мақсадида барчамиз қалин қорлар ичига беркинишга мажбур бўлдик. Кун ёришганида бир неча юзлаб аскарлардан 56 нафаримиз қолганини кўрдик.

Дахшатли манзара эди. Шу тарика бизни ҳам уруш ўз гирдобига тортди. Қанчадан-қанча сафдошларим кўзим олдида жароҳатланди, яна қанчаси ҳалок бўлди. Оч қолган кунларимиз кўп бўлди. Киев, Одесса, Молдовада мардонавор жанг қилдик. Тўғри, кўп йўқотишлар ҳам бўлган, лекин мазкур жангда 400 нафардан ортиқ фашистларни асир олдик. Шу жангда ўқ тегиши оқибатида мен ҳам ҳушимни йўқотганман. Яратганининг инояти билан сафдошларим сафига қайтдим. Шукрки, роппа-роса уч йил деганда — 1945 йил 25 сентябрда оилам бағрига қайтдим.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, вилоятимизда бугунги кунда 96 ёшдан 105 ёшгача бўлган 8 нафар Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти қатнашчилари умр кечирмоқдалар. 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида кўп миллатли Ўзбекистон халқи жанг майдонларида ва фронт ортида улкан жасорат ҳамда матонат кўрсатиб, фашизм устидан қозонилган ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшди.

**Алишер ШОКИРОВ,
Мўйдинжон СОБИТОВ,
«Янги Фарғона» мухбирилари.
(«Янги Фарғона» газетасидан олинди).**

ТАРМОҚ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВЛАР

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Устаида тармоқ ташкилотларида ҳисобот-сайловлар ҳар 5 йилда бир марта ўтказилиши, касаба уюшмаси органлари 5 йил муддатга сайланиши белгилаб қўйилган.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаситуман бўлинмаси Кенгаши тасарруфидаги 83 та бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларида февраль-апрель ойларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилиши режалаштирилган эди. Бугунга қадар 40 га яқин ташкилотларимизда ҳисобот-сайлов йиғилишлари демократик тамайиллар, шаффофлик, ошқоралик, муқобиллик асосида очик ва яширин овоз бериш йўли билан ўтказилмоқда.

Ўтказилаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда "Ўзбекистон-2030" стратегиясини амалга ошириш доирасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг натижалари ҳақида аниқ ва ҳаққоний маълумотлар бериб бориляпти. Шунингдек ҳисобот маърузаларида касаба уюшма тизимида, жумладан тармоқда, ҳудудда юз берган ўзгаришлар, ижтимоий шериклик ва ижтимоий мулоқотни ривожлантириш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва мавжуд муаммоларга алоҳида тўхталиб ўтиляпти.

Шу билан бирга жорий йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатиға 120 йил тўлиши муносабати билан "Касаба уюшмалари тарихига назар" мавзусида маълумотлар, шунингдек наватдаги вазифалар ва келажақдаги режалар юзасидан тўлиқ тушунтиришлар бериляпти. Ўтказилаётган ҳар бир ҳисобот йиғилишида бошланғич касаба уюшма ташкилоти жамоалари аъзолари касаба уюшмаси ташкилотига раис ва кўмита аъзоларини, туман конференциясига делегатларни очик овоз бериш йўли билан сайлаб олмоқдалар.

**С. МЎМИНОВ,
ТФХКУ туман бўлинмаси
Кенгаши раиси.**

АЁЛ ТАДБИРКОР БЎЛСА...

Халқимизда “ота билимли бўлса фарзанд билимли бўлади, она билимли бўлса, миллат билимли бўлади”, деган гап бор. Оила бошлиғи, таъминотчиси саналадиган эркакларнинг ишбилармон бўлгани таҳсинга сазовор, аммо эркакнинг топиб-тутиб келганини ўрнига қўядиган аёл оқила, тадбиркор бўлса-чи? Энди бу оилада чинакам фаровонлик ҳукмрон деганидир.

Бугун сизларга фаолияти билан таништирмоқчи бўлган уддабурон, тадбирли ва шижоатга тўла суҳбатдошимиз Фуркат маҳалласилик тадбиркор аёл Гулнора Матмусаевадир. Унинг амалга ошираётган ишлари билан танишиш жараёнида аёلнинг ишбилармон бўлиши нафақат оиласи, балки жамиятнинг ривожини учун қанчалик муҳим роль ўйнашига яна бир қарра амин бўлдик.

Ёшлигидан тарбиячи бўлишни жуда истаган Гулнора дастлаб ўқув юртида мусика раҳбари йўналишида таълим олади. Сўнг эса боғча тарбиячиси мутахассислигига ҳам эга бўлиб туманимиздаги турли мактабгача таълим муассасаларида мусика раҳбари, сўнг эса рус тили тарбиячиси сифатида фаолият юритди. Бир неча йил Марғилон шаҳридаги 33-мактабгача таълим муассасасида ҳам ишлаб ўз тажриба ва билимларини янада оширди.

Давлатимиз раҳбарининг хусусий боғчаларини ташкиллаш ҳақидаги кўрсатмалари ва 14 йиллик иш тажрибаси Гулнорада ўзининг хусусий боғчасини очиб иштиёқини уйғотди. 2021 йилда 22 нафар тарбияланувчи ва 3 та иш ўрни билан “Малика” оилавий хусусий мактабгача таълим ташкилоти фаолиятини йўлга қўйди.



Бугунга келиб 3 та гуруҳда 75 нафар болажонларга 12 нафар ходимлар таълим-тарбия бериб уларнинг соғлом таомланишлари учун тинимсиз ҳаракатдалар. Рус тилига ихтисослаштирилган муассасада болажонларга бадий гимнастика, инглиз тили машғулоти мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Катта тайёрлов гуруҳларида эса немис тили фани ҳам ўқитилиши йўлга қўйилган. Барча машғулоти замонавий педагогик ва ахборот технологиялари асосида олиб борилмоқда.

– Талаб ва таклифлардан келиб чиқиб муассасамизни янада кенгайтириш, тарбияланувчилар сонини кўпайтириш орқали яна янги иш ўринларини яратиш ниятидамыз. Ўтган йили тижорат банкидан 100 миллион сўм имтиёзли кредит олиб тадбирлар зали ва катта ошхонани қуриб битказдик. Уларни зарур жиҳозлар билан тўлиқ таъминладик. Эндиликда болалар майдончасига эга ёзги айвонча қуриш ва иссиқлик тизимимизни янгилашни режалаштиряпмиз, – дейди тадбиркор Г. Матмусаева.

Муассаса ривожини учун тиним билмай ҳаракатда бўлган суҳбатдошимиз таълим ва тарбияга алоҳида эътибор қаратиб машғулотида ўз ишининг мутахассисларини жалб қилган. Ўзи ҳам улар билан тенгма-тенг ҳаракатда. Машғулотида болажонларга қизиқарли бўлиши учун турли эртақлар ва бошқа қўлланмалардан кенг фойдаланилади.

– Олинган имтиёзли кредит ҳисобига янги қурилган ошхонамизда барча шарт-шароитлар яратилганлиги боис давлат стандартлари асосида белгиланган барча пишириқларни болажонларимизга тайёрлаб бермоқдамиз. Қолаверса бу имкониятлардан оқилона фойдаланиш мақсадида иккита янги иш ўрни яратиб турли ширинликлар пишириб уларнинг савдосини ҳам йўлга қўйдик. Бунинг ортидан келаётган даромад эвазига моддий техник баъзамизни янада яхшилаш ниятидамыз, – дейди тадбиркор Г. Матмусаева.

Ҳуснидаҳон ЯКУБОВА,
“Тошлоқ тонги” муҳбири.

ИСТЕЪМОЛЧИ ТАЛАБИ ҚАНОАТЛАНТИРИЛДИ

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятида туманинг Шодлик маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Х.Анинг шу йилнинг 18 январь куни шартнома киймати 31 500 000 сўм бўлган массаж аппаратининг кийматини бўлиб тўлаш шартларида харид қилиш бўйича шартнома имзолаганлиги, лекин шартнома тузиш жараёнида унга мазкур товар ҳақида тўғри ва тушунарли маълумот берилмаганлиги ортидан кейинчалик тушунмовчилик келиб чиққанлиги, мазкур масалани қонунчилик асосида ҳал этилиши ва шартномани бекор қилинишида амалий ёрдам кўрсатилишини сўраб қилган муурожаати ўрганилди.

Муурожаатни ўрганиш жараёнида сотувчи ва истеъмолчи ўртасида тузилган шартнома шартлари, унда амалдаги қонунчилик нормалари тўлақонли акс эттирилиши ва истеъмолчининг эътирозларини келтириб чиқарган важлар ўрганилиб, сотувчи томонига амалдаги қонунчиликка қўра истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот берилиши шартлиги, ушбу жараёнда

нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот берилиши ортидан келиб чиқувчи ҳуқуқий оқибатларни ўзида акс эттирган талабнома хат киритилди.

Ўрганиш ишлари давомида сотувчи томони истеъмолчи билан тузилган юқоридаги шартнома бекор қилинганлиги, истеъмолчидан товар қайтариб олингани, унинг томонидан шартнома имзоланиши вақтида амалга оширилган 180 000 сўм тўловни истеъмолчи банк картасига қайтарилганлиги хусусида жавоб хати тақдим қилди.



Ҳуснидаҳон ЯКУБОВА,
туман жамияти мутахассиси.

SAVOL BERING — JAVOB BERAMIZ

SAVOL: *Avtotransport boshqaruvi uchun jismoniy shaxslarga elektron ishonchnoma (sotish, boshqa davlatga olib chiqib ketish huquqisiz) ni davlat xizmatlari markazi orqali olsa bo'ladimi?*

JAVOB: Avtotransport boshqaruvi uchun jismoniy shaxslarga elektron ishonchnoma (sotish, boshqa davlatga olib chiqib ketish huquqisiz) ni davlat xizmatlari markazi orqali olish mumkin. Bunda ishonchnomani muddatiga qarab to'lov amalga

oshiriladi.

Shavkatjon XASANOV,
Toshloq tuman adliya bo'limi davlat xizmatlari markazi yetakchi mutaxassisi.

SAVOL: *Taksi faoliyati bilan shug'ullanish uchun qanday ruxsatnoma olinadi?*

JAVOB: O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 30-iyuldagi 636-son qaroriga asosan taksi faoliyat bilan shug'ullanish uchun ruxsatnoma

olishga davlat xizmatlari markaziga tashrif buyurgan holda yoki YAIDP (my.gov.uz) orqali olish mumkin. my.gov.uz portali orqali olish uchun "Transport" bo'limiga kirib "Avtomobil transportida yo'lovchilarni va yuklarni tashishga litsenziya olish" davlat xizmati orqali amalga oshiriladi.

Arabjon NISHONOV,
Toshloq tuman adliya bo'limi davlat xizmatlari markazi bo'lim boshlig'i.

Рамазон сабаблари

Рамазон ойи динимиздаги энг фазилатли ва муборақ ойлardan бири ҳисобланади. Бу ойда мўмин-мусулмонлар Аллоҳ таолонинг амрига бўйсунган ҳолда рўза тутиб ўз нафсларини тарбиялашади. Рамазон ойи фақатгина очлик ва чанқоқликни ҳис қилиш эмас, балки қалб ва руҳ, поклигига эришиш ойи ҳамдир.

САВОБ ВА БАРАКА ОЙИ

Рамазон ойининг асосий фазилатларидан бири – Қуръони Каримнозил қилинган ой эканлигидир. Аллоҳ Таоло шундай марҳамат қилади:

“Рамазон ойи – унда одамларга ҳидоят ҳамда ҳидоят фуруқондан иборат очик-ойдин ҳужжатлар бўлиб, Қуръон нозил қилинган. Сизлардан ким бу ойда ҳозир бўлса, рўзасини тутсин. Ва сизлардан ким бемор ёки сафарда бўлса бас, саноғи бошқа кунлардан. Аллоҳ сизларга осонликни ирода қилади ва сизларга қийинликни ирода қилмайди.

Санокни мукамал қилишингиз ва сизни ҳидоятга бошлаган Аллоҳни улуғлашингиз учун. Шоядки, шукр қилсангиз”.

Бақара сураси 185 оят. (Тафсири “Ирфон”. Шайх Усмонхон Темурхон Самарқандий).

Аввалги оятда рўза «санокли кунлар» фарз қилингани айтилган эди, бу оятда ўша «санокли кунлар» Рамазон ойи экани баён қилиняпти. Айни чоғда, Рамазон ойининг фазли ҳам зикр этиляпти.

«Рамазон ойи – унда одамларга ҳидоят ҳамда ҳидоят фуруқондан иборат очик-ойдин ҳужжатлар бўлиб, Қуръон нозил қилинган».

Рамазон ойи йил ичидаги энг афзал ой ҳисобланади. Унинг фазли ҳақида кўплаб ҳадиси шарифлар, улуғ уламоларнинг сўзлари, мадҳлар, шеърлар айтилган, китоблар битилган. Лекин бу ҳақдаги таърифларнинг гултожи Роббул Оламиннинг Ўз каломида айтган мадҳидир. Бу мадҳ турли оятларда келган. Ушбу оятдаги таъриф Рамазон шарифнинг энг улкан фазилатлари ҳақидадир. Яъни: «...унда одамларга ҳидоят ҳамда ҳидоят фуруқондан иборат очик-ойдин ҳужжатлар бўлиб, Қуръон нозил қилинган».

Аллоҳ таоло Ўзининг абадий мўъжизаси, қиёматгача инсониятга ҳидоят бўладиган китоби – Қуръони Каримни нозил қилиш вақти қилиб Рамазон шариф ойини ихтиёр қилганининг ўзи бу ойнинг фазилатини юксакка кўтарган. Энди эса нур устига нур, фазилат устига фазилат қўшиб, рўза ибодатини ҳам шу Рамазон ойида тутишни фарз қилмоқда.

Шу сабабли бу ойда мусулмонлар ибодатларини кўпайтиришга ва гуноҳларидан тавба қилишга интиладилар.

Рўза Исломнинг беш устунидан бири бўлиб, уни тутган киши нафақат танасини, балки қалбини ҳам тарбиялайди. Рўзанинг баъзи асосий фазилатлари

қуйидагилар:

Сабр ва ирода кучини оширади; тана ва нафсни поклайди; камбағалларнинг аҳволини ҳис қилишга ёрдам беради; савоблар ва гуноҳларнинг кечирилишига сабаб бўлади.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: “Кимки иймон ва савоб умиди билан Рамазон рўзасини тутса, унинг олдинги гуноҳлари кечирилади.” (Бухорий ва Муслим ривояти).

Рамазон ойини самарали ўтказиш учун қуйидаги тавсияларга амал қилиш мақсадга мувофиқ: нафсни ёмон ниятлардан тўхтатишни қасд қилиш; фойдасиз ҳамда уятсиз сўзларни гапиришдан ва эшитишдан ўзини сақлаш; бир ов билан уришишдан, ҳар қандай гуноҳ ишлардан ўзни тортиш; мумкин қадар истигфор, зикр ва тасбех билан банд бўлиш. Қуръон ўқиш, қуёш ботган вақтда шом намозини ўқишдан илгари (бир култур сув каби нарсаси билан) оғиз очиб.

Ғийбат, ёлғон ва бекорга вақт ўтказишдан тийилиш; закот ва хайру эҳсонларни кўпайтириш, муҳтожлар ҳолидан хабар олиш, дуо ва истигфорни кўпайтириш.

Рамазон ойида ҳар куни хуфтон намозидан сўнг иштирма ракат таровеҳ намози ўқиш; таровеҳ намозида Қуръони Каримни ўқиб ёки эшитиб хатм қилиш. Рамазонда хуфтонни жамоат билан ўқиган кишиларга витр намозини ҳам жамоат билан ўқиш.

Нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллашда намоз ва закотдан кейин рўза ибодати келади. Инсонни йўлдан урадиган нарсалар ичида қорин ва жинсий шаҳватлар энг кучлиларидан экани ҳеч кимга сир эмас. Рўзанинг фойдаларидан бири ҳудди ўша икки шаҳватни жиловлашга хизмат қилишидир. Шунинг учун ҳам рўза нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллашда энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Рамазон ойи ҳар бир мусулмон учун маънавий юксалиш ва ўзини тарбия қилиш имкониятидир. Бу ойда ибодатларни кўпайтириш, гуноҳлардан тийилиш ва яхши амаллар қилиш керак. Чунки Рамазон ойи раҳмат ва мағфират ойдидир ва ундан тўғри фойдаланганлар катта савобга эришадилар.

Иномжон ТҶИЧИЕВ,
“Бурҳониддин Марғилоний” жоме масжиди имоми, туман бош имом-хатиби.

ИНТЕРНЕТ САРҲАДЛАРИДА НИМА ГАПЛАР?

ИТАЛИЯДАН ШОВ-ШУВЛИ БАЁНОТ

Марио Тедди: “Леонардо да Винчи ўзининг қўплаб ихтироларида шарқ олимларининг илмий меросига таянган – бу шубҳасиз ҳақиқат!”.

Италиялик машҳур олим Леонардо да Винчи мероси бўйича таниқли мутахассис, дизайнер, рақамли санъат устаси Марио Тедди Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказига ташриф буюрди. Мехмон Ислон цивилизацияси марказининг улуғворлигидан хайратда қолди:



“Италиядаги учрашувимиз чоғида Ислон цивилизацияси маркази директори мени Ўзбекистонга таклиф қилди. Мен Марказ ҳақида тасаввурга эга эдим, лекин уни ўз кўзим билан кўриб, улуғворлиги ва гўзаллигидан хайратга тушдим. Айниқса, меъморий услуб, интерьер дизайни, ноёб равоқлар ва бадий безаклар уни ислон цивилизацияси

тарихидаги энг буюк маданий лойиҳалардан бирига айлантиради. Ишончим комилки, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигидаги ушбу лойиҳа жаҳон микёсидаги ўхшаши йўқ мегалойиҳага айланади“, — деди италиялик олим.

Марио Тедди мультимедиа ва музей таълими бўйича етакчи мутахассис бўлиб, Миландаги Леонардо да Винчи фан ва технология музейлари лойиҳалари билан танилган.

Олим учрашувда Леонардо да Винчи ва Микеланжело каби Ғарб Ренессанс олимлари Марказий Осиё алломаларининг илмий меросидан фойдалангани, Ўзбекистонда етук ўзбек олимлари кашфиётларидан илҳомланган Леонардо да Винчи бағишланган кўргазма ташкил этиш режалаштирилгани ҳақида эслатиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЎҚУВЧИЛАР ХАЛҚАРО МАТЕМАТИКА ОЛИМПИАДАСИДА ҒОЛИБ



Малайзия пойтахтида бўлиб ўтган Жануби-Шарқий Осиё математика олимпиадасида (СЕАМО 2025) ўзбекистонлик ўқувчилар 1 та олтин, 3 та қумуш ва 13 та бронза медалини қўлга киритди.

“Дунё” ААнинг хабар беришича шу йилги олимпиадада 23 та давлатдан 1800 нафар ўқувчи синфлар кесимида ўз билимларини синовдан ўтказди. Миллий саралаш

босқичида Ўзбекистондан 1000 нафардан ортик ўқувчи катнашди, улар орасидан 60 нафари халқаро босқичга йўлланма олди.

Олимпиада ғолибларига халқаро даражадаги дипломлар топширилди. Бу уларга келгусида нуфузли олий ўқув юрларида ўқишга кириш, стипендия ва таълим имтиёзларини олиш ҳуқуқини беради.

Саҳифа материалларини ОАВ ва интернет асосида А. НИШОНОВ тайёрлади.

ОҒИРЛИГИ 7КГ. ДАН ЗИЁД БЎЛГАН ЧАҚАЛОҚ



Янгийўл шаҳар туманлараро перинатал марказида вазни 7 килограмму 3 грамм бўлган қиз бола чақалоқ дунёга келди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизматининг хабар беришича, ҳозирда чақалоқнинг аҳволи қониқарли бўлиб, чақалоқ кесарча кесиш орқали тугдирилган, бу онанинг тўртинчи фарзанди. Ҳозирда она ва бола шифокорлар назоратида.

Бундай ҳолат ўтган йилнинг ноябрь ойида ҳам Нурафшонда кузатилган бўлиб, салкам 7 кг.лик вазндаги ўғил бола чақалоқ туғилган эди.

“ХАЛҚ БАНКИ” МАНСАБДОРЛАРИ ЁРДАМ ВА НАФАҚА ПУЛЛАРИНИ ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛДИ

АТ “Халқ банки” Қўқон универсал банк хизматлари маркази мансабдор шахслари ва бошқалар олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, компьютер техника воситаларидан фойдаланиб, бюджет маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Қайд этилишича марказнинг мансабдор шахслари ҳамда бошқалар банк дастурий таъминоти “IABS”даги

марказнинг икки нафар ходимига бириктирилган логин ва парол орқали 68 нафар фуқароларнинг хабарисиз ва иштирокисиз уларнинг номига банк карталарини очиб, банк карталарида ҳаракатсиз турган 104 млн. сўм моддий ёрдам ва нафақа пуллари банкоматлар орқали нақдлаштиришиб ўзлаштириб олган.

ТРАМП ИНГЛИЗ ТИЛИНИ АҚШНИНГ РАСМИЙ ТИЛИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛДИ



АҚШ президенти Дональд Трамп инглиз тилини мамлакатнинг расмий тили деб тан олиш ҳақидаги фармонни имзолади. Хужжат Оқ уй сайтида эълон қилинди. Бу АҚШнинг қарийб 250 йиллик тарихидаги илк шундай қарор ҳисобланади. «Республикамиз ташкил топганидан буён инглиз тили миллий тилимиз сифатида қўллаб келинмоқда. Мамлакатимизнинг барча тарихий бошқарув ҳужжатлари, жумладан, Мустақиллик декларацияси ва Конституция инглиз тилида ёзилган. Шундай экан, инглиз тилини Қўшма Штатларнинг расмий тили деб эълон қилиш вақти келди», — дейилади фармонда.



ОЛИМЛАР ОДАМЛАР ҚАЙСИ ЁШДА ТЕЗРОҚ ҚАРИШНИ БОШЛАШНИ АНИҚЛАДИЛАР

Инсоннинг қариши узок вақтдан бери босқичма-босқич жараён деб ҳисобланган. Бирок, халқаро олимлар гуруҳи танада кескин молекуляр ўзгаришларга дучор бўлган ҳаётда икки ёш нуқтаси борлигини исботлади. Биринчи сакраш ўртача 44 ёшда, иккинчиси 60 ёшда содир бўлади. Бу даврлар оксиллар, липидлар, РНК ва микробиома таркибидаги глобал ўзгаришлар билан бирга келади. Бу иш натижалари Nature Aging журналида чоп этилган. Тадқиқот олимлар бир неча йил давомида кузатган 108 нафар кўнгиллилар маълумотлари таҳлилига асосланган. Натижалар шуни кўрсатдики 44 ёшда липидлар, кофеин

ва алкоголь алмашинувида сезиларли ўзгаришлар юз беради ва юрак-қон томир касалликлари ва тери ва мушакларнинг бузилиши хавфи ортади. 60 ёшда ўзгаришлар углевод алмашинувида, иммунитет тизимига, буйракларга таъсир қилади ва юрак касалликлари хавфини оширишда давом этади. Бундай ўзгаришлар эркакларда ҳам, аёлларда ҳам кузатилиши мумкин, бу фақат менопаузанинг таъсирини истисно қилади. Олимларнинг фикрига кўра, кашфиёт ёшга боғлиқ касалликларнинг олдини олиш ва ёшни узайтириш стратегияларига онд тадқиқотларга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин.

АВСТРАЛИЯДА РЕКОРДЧИ ДОНОР ВАФОТ ЭТДИ

Австралияда дунёдаги энг самарали донорлардан бири бўлган 88 ёшли Жеймс Харрисон вафот этди. У 18 ёшида қон плазмасини топширишни бошлаган ва 81 ёшга тўлгунга қадар ҳар икки ҳафтада бир марта бу ишни давом эттирган, деб ёзади ВВСга таяниб “Нигох” телеграм канали.

Қайд этилишича унинг плазмасида махсус зардоб тайёрлаш учун

қўлланиладиган ноёб иммуноглобулин (anti-D) мавжуд бўлгани сабабли, у 2,4 млн. чақалоқнинг ҳаётини сақлаб қолишга ёрдам берди. Бу зардоб она ва бола ўртасидаги резус-конфликтни олдини олиш мақсадида резус омили манфий бўлган ҳомиладор аёлларга юборилади. Харрисоннинг қонида бу иммуноглобулинлар нима сабабдан шунчалик кўп эканлиги ҳанузгача номаълум.



ТАСМА КЎРИНИШИДАГИ СИРЛИ БАЛИҚ

Афсоналарга кўра бу балиқлар қучли зилзила ва цунамиларнинг хабарчиси бўлиши мумкин. Мексика қирғоқларида ушбу балиқ акс этган видеолар тарқалмоқда. Мазкур видеоларнинг изоҳлар қисмида кузатувчилар балиқнинг қирғоқда кўриниши қандайдир хавф-хатар белгиси дея таъкидламоқда.

Қамчифуруш МФЙнинг думалоқ мухри йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҲИСОБЛАНАДИ.

Toshloq tongi

МУАССИС:
ТОШЛОҚ ТУМАН
ҲОКИМЛИГИ ВА
“ТОШЛОҚ ТОНГИ”
ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ

Бош муҳаррир:
Муқимжон НУРМАТОВ.

МАНЗИЛҲОҲИМИЗ:

151500 Тошлоқ шаҳарчаси,
Дўстлик кўчаси, 7-уй
Телефон факс: (73) 238-11-65.
(90) 277-35-65.

Газета Фарғона вилояти матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2007 йил 9-январда № 12-010 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN- 20-109563. Нашр индекси 525.

Марғилон шаҳар «Полиграф-Пресс» МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макетидан чоп этилди. Туркистон кўчаси 236 «Б»-уй.
email: pol.press@mail.ru

Газета бир ойда уч марта чиқади.

Мазкур сон учун масъул: Абдурахмон НИШОНОВ.

Веб саҳифамиз: www.toshloqtongi.uz; telegram каналимиз @toshloqtongi_uz

Буюртма № 114.

Бичими А-3.

Адади 2330.